



**ИСЛОМДА АЗОН (МУАЗЗИННИНГ 10 ХИСЛАТИ)**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12738022>

**Ўткирхон Маҳмудов**

*“Хожа Бухорий” ўрта махсус ислом  
таълим муассасаси ўқув бўлим мудир*

**АННОТАЦИЯ**

*Исломда азон ва унинг тарихи, лугавий ва истилоҳий таърифлари баён қилинган. Бундан ташқари азонга оид бошқа масалалар, муаззинга оид мавзулар, муаззинликнинг фазилати ва азонни шариятда жори этилиш ҳикмати кабилар ҳам мавзудан ўрин олган.*

*Азондан олдин намозга жорлов қандай бўлган, мусулмонлар намоз вақтини қанда билганлар, уларга кимдир элон қилганми шулар ҳақида ҳам тушунча олинади.*

**Калит сўз**

*Азон, иқома, бурғу, чанг, насаро, яҳудий, муаззин, мезана.*

Ҳар бир самовий динларда ўз ибодатини бажаришга чақирқ маъносида турли белгилар мавжуд бўлган. Шу орқали ибодатлар вақтини қолганларга элон қилиш мақсад қилинган. Ислом динида ҳам ибодатлар вақтини одамларга билдириш учун махсус кўриниш мавжуд. Илк ислом давридаги аввалги саноклик кунларида бу нарса бўлмаган балки, шунчаки чақирик бўлган. Намозга чақирик учун азон (элон)нинг тарихи алоҳида воқеалар бор.

Саҳиҳ ривоятга кўра, азон ҳижратнинг илк йили Мадинада шариятга жори қилинган. Бу борада саҳиҳ ҳадислар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумадан ривоят қилган ҳадисда Ибн Умар розияллоҳу анхума айтадилар: “Мусулмонлар Мадинага келган пайтларида (масжидда) тўпланиб ва намоз вақтини кутиб туришарди. Бир куни улар намозга бирор усулда чорлаш, ибодат пайти бўлганлиги ҳақида хабар бериш борасида гаплашиб қолишди. Баъзилар: “Насоролар каби кўнғироқ чалган маъқул”, деди. Айримлар: “Яҳудийларга ўхшаб бурғудан фойдалансакчи”, деб маслаҳат берди. Умар розияллоҳу анху баҳсга аралашди: “Намозга чақирадиган бирор кишини тайинласакчи?!” Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Билол! Тур намозга чақир”, дедилар. Сўнг Абдуллоҳ ибн Зайд гап бошлади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларни намозга тўплаш учун занг чалишга амр қилганларида кечаси туш кўрдим. Олдимдан занг кўтарган бир одам ўтди. “Эй Аллоҳнинг бандаси, зангни сотасанми?” дедим унга. У: “Буни нима



қиласан?” деди. Мен: “У билан намозга чақирамиз”, дедим. У: “Сени бунданда яхшироқ нарсага далолат қилайинми?” деди. Мен рози бўлдим. У: “Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар” дейсан, деб азон ва иқоматни охиригача айтиб берди. Тонг отиши билан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига бориб, кўрган тушимни айтиб бердим. У зот: “Иншааллоҳ, бу ҳақ тушдир. Билолнинг ёнида туриб, иқоматни билдириб тур, У азон айтсин”, дедилар”<sup>62</sup>.

Баъзилар: “Азон ҳижратнинг иккинчи йилида машруъ қилинган”, деган фикрлар билдиришади. Айримлар: “Азон ҳижратдан олдин, Маккада машруъ қилинган”, деб таъйидлайдилар. Ушбу сўзлар саҳиҳ ҳадисларга зид келгани сабабли ҳақиқатдан йироқ ҳисобланади.

Ислом уламолари азоннинг шариатда мавжуд эканига иттифок қилганлар. Бунга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларидан бугунги кунимизгача бирор ихтилофсиз амал қилиниб келиниши ёрқин далилдир<sup>63</sup>.

Бу ишнинг шариъатдаги ҳикматларидан бири, Азон намоз вақти кирганини билдириш, Аллоҳнинг исмини такбир ила улуғлаш, Унинг шариатини изҳор қилиш, Расулини улуғлаш ва одамларни нажотга чорлаш учундир<sup>64</sup>.

أَذَانُ [АЗАНУН] – АЗОН

Таърифи:

1. Азон луғатда билдириш маъносини англатади. Аллоҳ таоло: “Одамлар орасида (юриб уларни) ҳажга чорлагин!”<sup>65</sup> деб марҳамат қилган. Яъни, уларга ҳажни билдиргин<sup>66</sup> дейилган.

Шаръий истилоҳда эса, у – махсус кўринишда, ривоят қилинган маълум лафзлар билан фарз намоз вақти (бўлгани)ни билдиришдир. Баъзи фуқоҳолар наздида эса бомдод намозига нисбатан фурсатнинг яқин қолганини билдириш азон ҳисобланади<sup>67</sup>.

Алоқадор сўзлар:

а. دَعْوَةٌ [даъватун] – даъват ва نِدَاءٌ [нидаун] – нидо қилиш:

<sup>62</sup> Ушбу ҳадисни Абу Довуд “Сунан”да Муҳаммад ибн Исҳоқ йўли орқали ривоят қилган. Термизий ривоят қилиб: ҳасан саҳиҳ ҳадис, деган. Яна айтган: Мен Бухорийдан ушбу ҳадис ҳақида сўрадим. У: Менинг наздимда саҳиҳдир, деди. Ибн Ҳиббон ва ибн Хузаймалар ҳам ривоят қилганлар. Байҳакий бу ҳадисни собит саҳиҳдир, деган. Насбур роя. 1-жилд. 259-бет. Муслим. уз

<sup>63</sup> Ан-Нававий. Шарҳу саҳиҳи Муслим. 4-жилд. 75-бет. Субулус салам. 1-жилд. 188-бет. Раддул мухтор ала Дуррил мухтор. Булоқ нашри, 1-жилд. 257-бет. Мавоҳибул жалил шарҳи мухтасар Халил. 1-жилд. 421-бет. Фатҳул қадир. 1-жилд. 167-бет. Ал-Муғний. 1-жилд. 403-бет. Muslim. uz

<sup>64</sup> Баҳрур роиқ шарҳи Канзид дақоик. 1-жилд. 279-бет.

<sup>65</sup> Ҳаж сураси, 27-оят

<sup>66</sup> Лисонул араб. Мисбаҳул мунир фи ғариби шарҳил Кабир.

<sup>67</sup> Шарҳу мунтаҳал иродот. Дорул фикр нашри, 1-жилд. 122-бет. Ихтиёр ли-таълилил мухтор. Дорул маърифа нашри, 1-жилд. 42-бет. Минаҳул жалил. 1-жилд. 117-бет.



2. Бу икки лафз ҳам азон сўзига умумий маънода мувофиқ келади. Чунки улар чақирик, нидо ва юзланишни талаб қилиш каби маъноларни англатади<sup>68</sup>.

б. إِقَامَةٌ [иқоматун] – иқомат айтиш:

3. Луғатда иқоматнинг барқарор туриш, изҳор қилиш, нидо қилиш, ўтирган кишини тургазиш каби бир қанча маънолари мавжуд.

Шаръий истилоҳда иқомат – махсус кўринишда, ривоят қилинган маълум лафзлар билан намоз учун туришга чорлашдир<sup>69</sup>.

в. تَتَوَيْبٌ [тасвийбун] – қайтиш, қайтариш:

4. Тасвийб луғатда қайтариш маъносини англатади. Азон бобида билдиришдан кейинги қайта билдиришга тасвийб дейилади. Яъни, барча фуқаҳолар наздида бомдод азонида икки “хаййа аъла”дан кейин “Ассолату хойрум минан навм” иборасини икки маротаба зиёда қилиш ёки ханафий уламоларимиз айтганидек азон ва иқомат орасида “хаййа аълас солати, хаййа аълал фалаҳи” иборасини зиёда қилиш тасвийбдир<sup>70</sup>.

Азоннинг сифати (таклифий ҳукми):

5. Фуқаҳолар азон Ислом хусусиятлари ва юксак шиорларидан бири эканига иттифоқ қилганлар. Агар бир шаҳар аҳли азонни тарк қилишга келишиб олсалар, уларга қарши уруш қилинади. Аммо уламолар азоннинг ҳукми борасида ихтилоф қилишган. Баъзилар уни фарзи кифоя дейди. Бу сўз ханбалийлар наздида муқимлик пайтида ва моликийлар наздида шаҳар аҳли борасидаги ҳукмдир. Баъзи моликийлар уни жамоат масжидларида фарзи кифоя эканини айтганлар. Бу шофеъийларнинг ҳам бир фикридир. Шунингдек, имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳдан нақл қилинган бир ривоят ҳам мазкур қарашни қувватлайди. Баъзи ханафий уламоларимиздан азоннинг фарзи кифоя экани нақл қилинган. Бу ханафий мазҳабимизнинг вожиб тўғрисидаги истилоҳларига биноандир. Бу қараш соҳиблари ўз қарашларига Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг: “Агар намоз вақти бўлса, сизлардан бирингиз азон айтсин ва ёши улуғроғингиз имомлик қилсин”, деган сўзларини далил сифатида келтирганлар.

Ушбу ҳадисдаги буйруқ (азоннинг) вожиби кифоя эканини келтириб чиқаради. Қолаверса, азон Исломнинг улуғ шиорларидан. Шу сабаб у фарзи кифоя бўлади.

Баъзилар уни суннати муаккада деган. Бу ханафий мазҳабимиз наздидаги рожих, шофеъийлар наздида энг саҳих сўздир. Баъзи моликийлар:

<sup>68</sup> Лисонул араб. Мисбаҳул мунир фи ғариби шархил Кабир.

<sup>69</sup> Лисонул араб. Шарҳу мунтаҳал иродот. 1-жилд. 122-бет. Муғнил мухтож. Ҳалабий нашри, 1-жилд. 133-бет.

<sup>70</sup> Лисонул араб. Шарҳу мунтаҳал иродот. 1-жилд. 127-бет. Муғнил мухтож. 1-жилд. 136-бет. Раддул мухтор ала Дуррил мухтор. Булоқ нашри, 1-жилд. 260-261-бет.



“Намозда шерик бўлишлари учун бошқаларни кутиб турган жамоат учун у суннати муаккада”, дейишган. Ҳанбалийлар наздидаги саҳиҳ кавлга кўра, азон сафар пайтида суннати муаккада бўлади. Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳдан нақл қилинган бошқа бир ривоятда азон мутлоқ суннати муаккада экани айтилган. Хироқий раҳматуллоҳи алайҳ айни шу фикрни олган. Азонни сунати муаккада деган уламолар ўз қарашларига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозини енгил-елпи ўқиган аъробийга: “Шундай, шундай қил”, деганлари, унда таҳорат, қиблага юзланиш ва намозни рукнларини айтиб, азонни зикр қилмаганларини далил қилишади<sup>71</sup>.

Юқорида айтилган ҳар икки фикрга қарамасдан, азон айтмасдан намоз ўқиган жамоанинг намози дуруст бўлади. Бироқ суннатга ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига хилоф иш қилганлари учун гуноҳкор бўлишади.

Баъзилар: “Азон фақат жума намозида фарзи кифоя. Бошқасида эмас”, деган. Бу шофеъий ва ҳанбалийларнинг фикридир. Чунки азон – жамоатга чақириш. Жума намозида эса жамоат бўлиши вожиб. Жумҳур уламолар наздида бошқа намозларда жамоат тартибда йиғилиш суннат<sup>72</sup>.

#### Муаззиннинг хислати.

المؤذن Муаззин (араб - эълон этувчи, чакирувчи) — масжидда азон айтиб, намозга чорловчи шахс; халқ тилида сўфи деб ҳам аталади. Азон исломнинг шиорларидан бири бўлиб, илоҳий сўзлардан ташкил топган буюк чорловдир. Диний манбаларда азон ва муаззиннинг фазилатлари борасида жуда кўплаб намунали сўзлар келтирилган. Жумладан:

**1. Муаззин Аллоҳ таолога чакирувчи кишидир.** Яъни, азон айтувчи ҳар куни инсонларни беш маҳал Аллоҳ таолонинг уйига чакирувчи, уларни охират амалларини бажаришга ундовчи ва мусулмонларни бирдамликка чакирувчи кишидир. Аллоҳ таоло бу борада Ўз каломида шундай марҳамат қилади: (Одамларни) Аллоҳ (нинг дини)га даъват қилган ва ўзи ҳам яхши амал қилиб, шак-шубҳасиз, мен мусулмонларданман, деган кишидан ҳам чиройлироқ сўзлагувчи ким бор? (*Фуссилат сураси, 33-оят*).

**2. Муаззинлар қиёмат кунинда бўйинлари энг узун инсонлар бўлишади.** Бу борада пайғамбаримиз алайҳиссаломдан Муовия ибн Абу Суфён ривоят қилади: “Муаззинлар қиёмат кунинда инсонларнинг бўйинлари узинлиги жихатидан энг узини бўлади”. Қиёматда инсонлар

<sup>71</sup> Муттафақун алайҳ. Луълуъ вал маржон. 224- рақам.

<sup>72</sup> Ал-Инсоф. 1-жилд. 407-бет. Ал-Муғний. 1-жилд. 417-418-бетлар. Мавоҳибул жалил шарҳи мухтасар Халил. 1-жилд. 422-423-бетлар. Ал-Мажмуъ шарҳул Муҳаззаб. 3-жилд. 81-бет. Муғнил мухтож. Ҳалабий нашри, 1-жилд. 134-бет. Фатҳул қадир. 1-жилд. 209-210-бетлар. Ихтиёр ли-таълилил мухтор. 1-жилд. 42-бет.



қилган гуноҳлари сабаб хижолатдан терга ботган вақтларида, муаззинларни Аллоҳ таоло бу хижолатчиликдан асрайди.

**3. Муаззинларнинг айтган азони сабаб шайтон қочади.** Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи васаллам: **“Агар намоз учун азон айтилса, шайтон азон товуши эшитилмайдиган жойгача қочиб боради...”** деганлар. Шунинг учун азон баланд товушда айтилиши ва ихлос билан айтилиши лозим бўлади.

**4. Мўмин киши азон товушини эшитганда ижобат қилиши лозимлиги.** Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи васаллам: **“Агар инсонлар азон ва аввалги сафда қандай савоб борлигини билганларида эди, қуръа ташлаб бўлсада унга эришган бўлар эдилар. Агар инсонлар хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан ўқишда қандай савоб берилиши билганларида эмаклаб бўлсада жамоатга келган бўлар эдилар”**, деганлар.

**5. Муаззиннинг товушини эшитган ҳар бир нарса унга гувоҳлик бериши.** Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ибн Абу Соъсоъа розияллоху анхудан ривоят қилинади: **«У кишига Абу Саъийд ал-Худрий розияллоху анху:**

**«Мен сенинг кўйни ва чўлни яхши кўришингни билмоқдаман. Қачонки кўйинг ичида, чўлингда бўлсанг-у, намозга азон айтадиган бўлсанг, овозингни баланд кўтар. Чунки қайси бир жин, инс ёки бирор нарса муаззиннинг овозини эшитса, албатта, қиёмат куни унга гувоҳлик беради. Буни Набий соллаллоху алайҳи васалламдан эшитганман»**, деган экан».

*Бухорий ва Насай ривоят қилганлар.*

**6. Муаззин товушининг миқдорича гуноҳлари кечиради ва у билан намоз ўқиган кишиларнинг савоби мислича ажр берилади.** Барро ибн Озиб розияллоху анху пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилади: **“Албатта фаришталар аввалги сафда турганларга саловот айтадилар. Муаззиннинг тавуши баробарида гуноҳлари кечиради ва азон тувушини эшитган хулу-қурук нарсалар унга гувоҳлик беради ҳамда у билан намоз ўқиган кишиларнинг ажрича ажр берилади”**.

**7. Муаззинлар пайғамбаримизнинг хос дуоларининг замирига кирган кишилардир.** Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи васаллам: **“Имом зоминдур (масъулдир) ва муаззин омонат эгасидур. Аллоҳим имомларни тўғри йўлга бошлагин ва муаззинларни гуноҳлари кечиргин”**, деганлар.

**8. Азон сабабли муаззиннинг гуноҳлари кечиради ва унинг жаннатга киришлигига сабаб бўлади.** Уқба ибн Омир розияллоху анху



пайғамбаримиздан шундай хадисни эшитганман дейдилар: **“Роббингиз тоғнинг теппасида кўйларини боқиб юриб, азон айтиб намоз ўқийдиган кишидан ажабланади. Бас, Аллоҳ таоло: “Қаранглар бу бандамга мендан кўркқанлиги учун азон ва такбир айтади. Ҳақиқатда бу бандамни гуноҳларини кечирдим ва уни жаннатга киргизаман”, дер экан”.**

9. Муаззинлар Аллоҳнинг бандаларининг яхшиларидандур. Ибн Абу Авфодан ривоят қилинади ушбу хадис. Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтадилар: **“Албатта Аллоҳнинг наздида бандаларининг энг яхшиси, Аллоҳнинг зикри (намоз) учун қуёш, ой ва юлдузларга эътибор қилиб турадиганларидур”.**

10. Муаззин агар азон ва такбир айтса, унинг ортидан Аллоҳнинг фаришталари ҳам намоз ўқийди. Салмон Форсий розияллоху анхудан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтадилар: **“Агар бир киши сахро ерларда бўлсада, намоз вақти яқинлашса, бас таҳорат қилиб, агар сув топа олмаса таяммум қилиб, намозни қоим қилса, унга вакил қилинган икки фаришта ва Аллоҳ талонинг фаришталари у билан бирга намозга қоим бўладилар”.**

Азон исломнинг шиорларидан ҳисобланади, усиз исломни тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан азонга жуда аҳамият қаратиш зарур бўлади. шу этибордан бутун ислом диёрларида шу қаторида юртимизда ҳам ушбу шиорга азалдан ҳурмат ва этибор билан қараб келинади. Шу билан бирга муаззинлик ва унинг масулияти ҳам буюк ҳисобланади. Мусулмонлар ушбу масулиятга жиддий ёндошиб келадилар. Азон ва муаззинликнинг шартларига амал қилиш ҳар бир мусулмоннинг вазифаси ҳисобланади. Буни ҳеч ким энкор қилмайди.

### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:**

1. Ал-Муғний. 1-жилд. 403-бет.
2. Ал-Мажмуъ шарҳул Муҳаззаб. 3-жилд. 81-бет.
3. Ал-Инсоф. 1-жилд. 407-бет.
4. Ан-Нававий. Шарҳу саҳиҳи Муслим. 4-жилд. 75-бет.
5. Субулус салам. 1-жилд. 188-бет.
6. Раддул мухтор ала Дуррил мухтор. Булоқ нашри, 1-жилд. 257-бет.
7. Мавоҳибул жалил шарҳи мухтасар Халил. 1-жилд. 421-бет.
8. Фатҳул қадир. 1-жилд. 167-бет.
9. Баҳрур роиқ шарҳи Канзид дақоик. 1-жилд. 279-бет.
10. Лисонул араб. Мисбахул мунир фи ғариби шарҳил Кабир.
11. Шарҳу мунтаҳал иродот. Дорул фикр нашри, 1-жилд. 122-бет.



12. Ихтиёр ли-таълилил мухтор. Дорул маърифа нашри, 1-жилд. 42-бет.